



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 4 май, № 87 (8710)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Кўксарой қароргоҳида 3 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI
HUZURIDAGI HORIIYI INVESTORLAR KENGASHI
Toshkent, 2024-yil 3-may



FOREIGN INVESTORS COUNCIL
UNDER THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
Tashkent, May 3, 2024

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислик қилган тадбирда Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, “Masdar”, “Indorama”, “ACWA Power”, “Air Products”, “Calik”, “Suez”, “Orascom”, “Cengiz”, “Aksa”, “HP”, “Linde”, “Procter&Gamble”, “Visa”, “CAMCE”, “John Deere”, “Huawei”, “Airbus”, “Orano”, “Commerzbank”, “Total”, “PASHA Holding” каби етакчи компания ва банклар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар — Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки ва Халқаро ислон савдо-молия корпора-

цияси вакиллари иштирок этди. Кенгашнинг асосий вазифалари муваффақиятли тажриба ва халқаро амалиётдан келиб чиқиб, мамлакатимизни инвестициявий, савдо-технологик ва инновациявий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳат бериш ҳамда Ўзбекистон ҳукумати ва хорижий инвесторлар ўртасида очик мулоқотни таъминлашдан иборат. 2022 йилда бўлиб ўтган биринчи сессияда ушбу механизмнинг самарали фаолият юритиши учун пойдевор яратилган эди. Бу галги мажлисни очар экан, давлатимиз раҳбари куни кеча ўтган учинчи Тошкент инвестиция форумининг самарали натижаларини қайд этди ҳамда кенгаш

аъзоларига Янги Ўзбекистон тараққиётини қўллаб-қувватлашга қўшаётган ҳиссаси учун миннатдорлик билдирди. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида беқарорлик тобора кучайиб, энергетика, озиқ-овқат соҳалари ва экологик тизимда инқирозлар ўткир тус олаётгани таъкидланди. — Бундай мураккаб шароитда сизлар билан бамаслаҳат, ўзаро кенгашиб, аниқ амалий қадамлар ташласак, қўзлаган юксак марраларимизга албатта эришамиз, — деди Президент. Мамлакатимизда қулай инвестиция ва бизнес муҳитини такомиллаштиришга қaratилган инвестициялар ва махсус эркин зоналар тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга ҳисса қўшган

ишчи гуруҳ фаолияти алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти жамоаси томонидан бошланаётган инвестиция сиёсати таҳлили жуда муҳимлиги, ушбу лойиҳа мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш борасида асосий йўналишларни белгилаб олишга ва самарали механизмларни яратишга хизмат қилиши таъкидланди. Ҳукумат ҳамда инвесторлар ўртасида очик ва самарали мулоқотнинг йўлга қўйилгани барқарор иқтисодий тараққиётнинг асосий калити эканини қайд этиб, давлатимиз раҳбари муайян йўналишлар бўйича ишчи гуруҳларни ташкил этишни таклиф қилди ҳамда кенгашнинг келгуси фао-

лияти устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди. Биринчидан, капитал бозорини ривожлантириш. Бу йўналишда хорижий инвесторларнинг талабларига тўла жавоб берадиган халқаро молия марказини ривожлантириш учун ички ва ташқи капитални кенг жалб этишга эътибор қаратиш таклиф қилинди. Иккинчидан, масъулиятли бизнес юритиш. Бу борада иқтисодиёт барқарорлиги, шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашга қаратилган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг тегишли тамойилларини кенг жорий этиш долзарб вазифадир.

(Давоми 2-бетда).



(Давоми 2-бетда).



АҚШ, ХИТОЙ, ЕВРОПА ВА МИСР ЕТАКЧИ КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БИЗНЕСНИ КЕНГАЙТИРИШ РЕЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 май куни Тошкент халқаро инвестиция форуми ва Хорижий инвесторлар кенгаши мажлиси доирасида Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм бошчилигидаги делегация, Хитойнинг етакчи компаниялари раҳбарлари, Европанинг бир қатор етакчи компаниялари раҳбарлари ва Мисрнинг «Orascom Investment Holding» компанияси раиси Нажиб Савирисни қабул қилди.



Кэролин Лэмм билан мулоқотда Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларида юқори даражада эришилгани ҳамда палата мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлигини ривожланти-

ришга салмоқли ҳисса қўшаётгани таъкидланди. Учрашувда “Air Products”, “CNN Industrial” ва “Silverleaf” компаниялари раҳбарлари ҳам иштирок этди. Ўзаро савдо ва инвестициялар

ҳажми барқарор ошмоқда, энергетика, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқларда лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кэролин Лэмм АҚШ ишбилармон



доиралари номидан давлатимиз раҳбарига икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлигига шахсан эътибор қаратаётгани ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Америка тадбиркорларининг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтириш, молиявий инструмент ва механизмларни ривожлантириш борасидаги илгор тажрибани жорий этиш ҳамда турли тармоқларда лойиҳаларни амалга оши-

риш бўйича аниқ режалари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КўЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ Бўйича ТАКЛИФЛАР Кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев 3 май куни ижтимоий хизматлар тизимини янада такомиллаштиришга оид таклифлар тақдими билан танишди.

Янгиланган Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб белгиланиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳар бир инсон учун тенг шароитлар яратиш қафолатланган. Шу мақсадда ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатини рағбатлантириш, таъйиқ ва зўравонликка учраганларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда фақат ягона таъсисчиси ногиронлик бирлашмаси бўлган корхоналар маҳсулотлари давлат буюртмаси бўйича тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилинади. Шу билан бирга, юртимизда ишчиларининг 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат 669 та корхона ҳамда 8 минг 300 нафар

якка тартибдаги тадбиркор бор. 1-2 май кунлари пойтахтимизда ўтказилган “Инсон учун” номи кўрғазмада уларнинг маҳсулотлари намойиш этилиб, 360 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Бу борада аҳолига кенг имконият яратиш мақсадида ходимлари сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бор шахслардан иборат бўлган барча ташкилотлар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг маҳсулотларини давлат буюртмаси бўйича тўғридан-тўғри шартнома асосида харид қилишга рухсат бериш таклиф этилмоқда. Бунинг натижасида 3 мингга яқин тадбиркорлар томонидан қўшимча 20 мингга яқин ногиронлиги бўлган шахс-

ларни иш билан таъминлаш имкони яратилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, жамиятда ҳар уч аёлдан бири зўравонлиқнинг муайян шаклига учрамоқда. Шунинг учун ривожланган давлатларда бундай шахсларга тезкор психологик, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Ўртимизда таъйиқ ва зўравонликка учраган аёлларга маҳалла даражасида кўрсатиладиган хизматлар йўқ. Туман даражасидаги амалий ёрдам сифати ҳам юқори эмас. Шу боис зўравонлик ҳолатларида ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг 3 босқичли янги тизimini жорий этиш таклиф қилинмоқда. Унга кўра маҳалла даражасида ижтимоий ходим, профи-

лактика инспектори ва хотин-қизлар фаоли томонидан таъйиқ ҳолати ўрганилиб, доимий кузатиб борилади. Туман миқёсида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларида ҳимоя ордеи талаб қилмасдан психологик, ҳуқуқий ва бошқа турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилади. Шифохоналарнинг шошилинч бўлимларида бирламчи кўмак хоналари ташкил этилади. Вилоят даражасида реабилитация марказларида ариза талаб этмаган ҳолда ижтимоий хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ 6 ойгача бошлана ва чуқур реабилитация қилиш учун психологик ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатилади. Бундан ташқари, таълим ва меҳнат муносабатларида зўравонлиқнинг олдини олиш чоралари ҳам

қўрилади. Бунда ҳимоя ордерини бериш билан бир вақтда зўравонни тузатиш дастури ишлаб чиқилади ва “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази билан келишган ҳолда амалга оширилади. Ички ишлар органлари томонидан зўравонларнинг реестрини юритиш тартиби жорий этилади. Зўравонликка учраган шахсларга ижтимоий хизматлар стандарти ишлаб чиқилади. Бу соҳада нодавлат нотижорат ташкилотлари ривожлантирилади. Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, уларни манзилли йўлга қўйиш, ҳар бир аёл учун нуносиб турмуш ва меҳнат шароитлари яратиш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Аждодлар жасорати – мардлик мактаби

Пойтахтимиздаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ташаббуси билан “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилганларни эъзозлаш – Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири” мавзuida семинар ташкил этилди.

Семинар

Унда сенаторлар, қўмита ҳузуридаги экспертлар, Мудофаа, Ички ишлар, Фақуллодада вазирлар вазирликлари, Божхона қўмитаси, Миллий гвардия раҳбар ходимлари, Божхона институти, Жамоат хавфсизлиги университети, ФВБ, ИИБ академиялари курсантлари, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат педагогика университети талабалари, шунингдек, журналистлар қатнашди.

Семинарда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган фахрийлар жасорати ҳамда унинг тарихий хизматини кенг жамоатчиликка етказиш, ёш авлодни уларга муносиб, бугунги тинч ва осийшта ҳаётни асраб-авайлашга қодир, Ватанимизга садоқатли инсонлар сифатида камолга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатларга алоҳида ургу берилди.

Қайд этилганидек, Президент ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди. Хусусан, 2020 йилга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1,5 миллионга яқини урушда қатнашган, деб ҳисобланар эди. Аммо жаҳон архивларидан янги топилган ҳужжатлар таҳлил қилинганда, Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин кишилар урушга сафарбар этилгани маълум бўлди. Бундан ташқари, илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб ҳисоблангани, аслида эса маъруза рақам 538 мингдан зиёд эканлиги ойдинлашди.

Илмий изланишлар натижасида орден ва медаллар билан мукофотланган юртдошларимиз сонига ҳам ойдинлик киритилди. Илгари бу кўрсаткич 120 минг дейилган. Сўнгги маълумотларга асосан, Иккинчи жаҳон урушида 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жангавор давлат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланди.

Сўзга чиққанлар халқимиз уруш туфайли уй-жойи, ота-онаси ва қариндошларидан айрилган, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган қарийб 1,5 миллион кишини ўз бағрига олганини алоҳида айтиб ўтдилар.

Қолаверса, уруш ҳаракатларида юртимиздан 4 минг 555 нафар хотин-қиз иштирок этган, уларнинг орасида алоқачи, учувчи, мерган, зенитчи, тиббий ходим ва разведкачилар бор эди. Шулардан бири Зебо Ганиева Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Уша оловли йилларда Ўзбекистон уруш майдонларига катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, доридармон, кийим-кечак, озиқ-овқат етказиб берувчи марказлардан бирига айланди. Ишлаб чиқариш корхоналари ҳарбий мақсадларда қайта ташкил этилди. Фронт ҳудудларидан юртимизга 151 завод кўчириб келтирилди, қисқа фурсатда ишга туширилган. Уша вақтдаги 300 га яқин корхоналарда кўп миллатли аҳолиимизнинг фидокорона меҳнати билан қўллаб ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

Ўзбекистон уруш йилларида фронт учун 2100 та самолёт, 17342 та авиамотор, 2 318000 дона авиабомба, 60 мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратлар, 330 мингта парашют ва ҳарбий ахтиёж учун бошқа қурол-яроғ ҳамда анжомлар етказиб берганлиги манбаларда қайд этилган.

Семинарда халқимизнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги жасорати ва қаҳрамонлигини юртдошларимиз, хусусан, навқирон авлодга етказиш, муҳими, бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди. Зеро, аждодлар жасорати мангу ва у ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутadi.

«Халқ сўзи».

Вакилимиз парламентлараро Қуддус конференциясида қатнашди

Яқинда Туркиянинг Истанбул шаҳрида Қуддус учун парламент аъзолари лигаси (платформаси)нинг 5-конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуман

Анжуманда Осиё, Европа, Лотин Америкаси ва Африка қитъаларининг 75 дан ортиқ давлатларидан қарийб 600 нафар парламентарий қатнашди.

Унда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, парламентлараро Қуддус платформаси раиси Хамид бин Абдуллоҳ ал-Ахмар ва Туркия Республикаси Буюк Миллат Мажлиси раиси Нуман Куртулмуш иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Нуфузли тadbир давомида Яқин Шарқ минтақасидаги кескин вазиятни юмшатиш ва халқаро ташкилотлар томонидан мазкур можорани тўхтатишга қаратилган ҳаракатларни жадаллаштириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси

раиси Наримон Умаров маъруза қилиб, Ғазода тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлида ушбу конференция фаолияти муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Аини чоғда у ҳар икки томон зудлик билан гуманитар мақсадларда муросага келиши, жанговар ҳаракатларни тўхтатиб, низо-ни дипломатия йўли билан ҳал этиши зарурлигини ургулди.

Ўзбекистон бу масалаларга

бирдамлик ва ҳамжиҳатлик асосида БМТ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ҳамда уларнинг иштирокчилари томонидан бу муаммони хал этишга қаратилган конструктив ташаббус ва дипломатик саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлиги билдирилди.

Ўз навбатида, анжуман қатнашчилари Ўзбекистоннинг эзулик нуқтаи назарини ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ғазо сектори аҳолиси учун ажратилган инсонпарварлик ёрдамини юқори баҳолашди.

«Халқ сўзи».

Парламент комиссияси

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — УСТУВОР МАСАЛА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Парламент комиссияси аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Бош прокуратура, Ички ишлар, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари масъуллари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ҳамда журналистлар иштирок этди.



Комиссия йиғилишини Парламент комиссияси раиси А. Саидов олиб борди.

Йиғилиш аввалида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан тайёрланган 2023 йилда Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қилинишининг ҳолати тўғрисида ахбороти тингланди.

Қайд этилганидек, 2023 йилда мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим воқеа — янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси умумхалқ референдуми йўли билан қабул қилинди. Унда “давлат — жамият — инсон” тамойили “инсон — жамият — давлат” принцилига ўзгартирилди. Ҳақиқатинан инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳамма нарсадан устун қўйилди.

Шунингдек, навбатдан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жараёнларида сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 34 минг 338 нафар шахсга овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти берилди. 2016 йилдан буён инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳар 4 та давлатдан 3 тасида ёмонлашган. Шунга қарамай, Ўзбекистон минтақавий рейтингда 15 та давлат ичида 8-ўринни эгаллади. 2016 — 2023 йиллар оралиғида 77 фоиз давлатларда асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш индексида сезиларли пасайиш кузатилган бўлса, Ўзбекистонда бу соҳада ўсиш қайд этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича 78 банддан иборат “Йўл харитаси” қабул қилинган. Аини пайтда 63 та банд бўйича ишлар бажарилган, 1 та банд назоратдан ечилган, 14 та бандни амалга ошириш бўйича ишлар давом этмоқда.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Ички гуруҳининг 44-сессиясида Ўзбекистон томонидан тақдим этилган маъруза бўйича 84 та давлатдан мутахассислар сўзга чиқди ва 244 та тавсия берилди. Ушбу тавсияларда Ўзбекистонда сўз ва ОАВ эркинлигини таъминлаш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, инсон ҳуқуқлари бўйича узлук-

сиз таълим тизимини яратиш, аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглигига эришиш, аёлларга нисбатан зўравонлиқнинг олдини олиш, коррупция, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича кўрилатётган чора-тадбирларнинг самарали натижалари эътироф этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг 2023 йилда халқаро мажбуриятларни амалга ошириш юзасидан тақдим этган маълумотлари комиссия аъзолари томонидан олдинда турган ишларни белгилаш, уларни амалиётга татбиқ этишда аҳамият қаратилиши лозим бўлган соҳаларни аниқлашга ёрдам бериши таъкидланди.

Йиғилишда комиссия аъзолари “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт қоидаларини бажаришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Учинчи даврий маърузасини қўриб чиқиш якунлари юзасидан БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси якуний тавсияларини амалга оширишни назарда тутувчи 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси ижросини муҳокама қилдилар.

Айтилганидек, БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси якуний тавсияларини амалга ошириш юзасидан 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракат режасининг 34 та бандида белгиланган вазифаларнинг 11 та бандига тааллуқли ишлар бажарилган. 5 та банд бўйича ижро мuddати узайтирилган бўлса, 18 та бандни амалга ошириш борасида ишлар давом этмоқда.

Шунингдек, йиғилишда “БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бешинчи даврий маърузасини қўриб чиқиш якунлари юзасидан БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини амалга ошириш бўйича 2024 — 2027 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси”нинг ижроси тўғрисидаги маълумот муҳокама қилинди.

Кун тартибидидаги масалалар юзасидан Парламент комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Экологик, “Адолат” социал-демократик партиялари фракциялари ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамкорлигида “Браконьерликка қарши курашнинг институционал асосларини такомиллаштириш” мавзuida давра суҳбати ташкил этилди.

Маълум қилинганидек, амалдаги қонунчиликда тақиқланган ов қуролларидан, жумладан, электр қармоқда балиқ овлаш тақиқланган. Хусусан, “Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда сув ҳавзаларида махсус рухсатномаларсиз балиқ овлаш ва балиқ овлашни амалга ошириш чоғида хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланиш соҳасидаги қоидаларда тақиқланган қуролларни, шунингдек, овлаш усулларини қўллашга йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлиб қўйилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек, хайвонот дунёсиндан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдоридаги ўн бераваридан ўн беш бераваригача, мансабдор шахсларга эса ўн беш бераваридан йигирма бераваригача даражада жарима солишга сабаб бўлиши кўрсатилган.

“Ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги

тўғрисида”ги Қонунда эса ов қуролларининг тақиқланган турларидан ва усулларидан фойдаланган ҳолда овлаш гайриқонуний ов қилиш (браконьерлик) деб эътироф этилган.

Нодира ЖОНИБЕКОВА, “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига киритилиши таъкид этилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар фуқаролар (мансабдор шахслар) томонидан содир этилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг (тақиқланган қуроллар ёки воситалардан, хусусан, электр токи, портловчи ва кимёвий моддалар ҳамда биологик препаратларни қўллаган ҳолда ов қилиш) олдини олишга йўл очади. Қолаверса, мазкур турдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун жазо муқаррарлиги таъминланади, қўллаб миқдордаги ёввойи хайвонлар ва балиқ захиралари қирилиб кетишининг олди олинади.



ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Оила ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда “Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада оширишнинг муҳим масалалари” мавзuida давра суҳбати уюштирилди.

Айтиб ўтилганидек, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини кучайтириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини юксалтириш йўналишига эътибор қаратсак, Ўзбекистон тарихида илк маротаба парламентда уларнинг

сони 32 фоизга етиб, дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди. Шу билан бирга, Сайлов кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга биноан, Ўзбекистон парламенти депутатлигига номзодлар сонининг 40 фоизини аёллар ташкил этиши лозимлиги мустақамланди.

Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1,5 мингга яқин хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Бандлик масаласи ва аёлларни тадбиркорликка жалб этиш борасида ҳам тизимли

ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2022-2023 йилларда 398 минг хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, аёллар тадбиркорлиги дас-турлари доирасида 2023 йилда 225 мингдан зиёд лойиҳаларга 4,4 трлн. сўмга

яқин кредит, 40 мингга яқин хотин-қизларга жами 179,1 млрд. сўм субсидия ажратилди.

Жунда депутатлар ва соҳа мутахассислари томонидан фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

